ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ВАҚФ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА СУД АМАЛИЁТИ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Рахшона Кенжабоева,
Исломшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
Baytul-hikma academy MCHJ директори

Вақф муносабатларининг ҳуқуқий барқарорлиги фақат уни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ёки бошқариш қоидалари билан эмас, низо келиб чиққан тақдирда қонун ва суд амалиёти қандай ечим беришида ҳам намоён бўлади. Айниқса, воқифнинг иродаси кейинчалик ўзгарганда, меросхўрлар вақф мулкини қайтаришни талаб қилганда, нозир ўз вазифасини лозим даражада бажармаганда, зуррий вақф даромадини тақсимлашда келишмовчилик юзага келганда ёки вақф мулки давлат ёхуд хусусий мулк билан аралашиб кетганда ҳуқуқий тизимнинг ҳақиқий имкониятлари кўринади.

Туркия, Қатар, Саудия Арабистони, Иордания, Индонезия ва Малайзиянинг Селангор штати тажрибасини шу нуқтаи назардан қиёслашда давлатларни фақат географик ёки конституциявий белгиларига кўра гуруҳлаш етарли эмас. Суд амалиёти бир хил ҳуқуқий муаммо турли давлатларда турлича ҳуқуқий воситалар орқали ҳал қилинишини кўрсатади. Шу сабабли қиёсни **низонинг предмети ва уни ҳал қилиш механизми** асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Воқиф шарти ва уни талқин қилиш. Вақф ҳуқуқидаги асосий масалалардан бири воқиф белгилаган шартларнинг ҳуқуқий кучидир. Классик фиқҳда бу муносабат “**شرط الواقف كنص الشارع**” қоидаси орқали ифодаланиб, воқифнинг шариатга зид бўлмаган шарти вақфни бошқариш ва унинг даромадини тақсимлашда мажбурий аҳамият касб этади.

Қатарда мазкур фиқҳий ёндашув тўғридан-тўғри қонун нормасига айланган. 2021 йилги 9-сонли Вақф тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида **“يُفسر شرط الواقف كنص الشارع في الفهم والدلالة”**, яъни воқиф шарти тушуниш ва далолат жиҳатидан Шореънинг насси каби талқин қилиниши белгиланган. Бироқ қонун воқиф иродасини мутлақлаштирмайди: шариатга зид ёки вақф манфаатини йўқотувчи айрим шартлар амал қилмаслиги ҳам алоҳида белгиланган.[1]

Саудия Арабистони суд амалиётида ҳам низони ҳал қилишда биринчи навбатда вақфия матни ва воқифнинг шарти текширилади. Зуррий вақф даромадини авлодлар ўртасида тақсимлашга оид суд ишларида оддий мерос қоидаларини автоматик тарзда қўллаш эмас, балки воқиф белгилаган авлодлар тартиби ва даромад тақсимоти асос қилинади. Масалан, Жидда умумий судида кўрилган **341186677-сонли ишда** даъвогар отаси фойдаланган вақф даромади улушини тўлиқ олишни талаб қилган. Нозир эса вақфияда бенефициарлар авлод босқичларига ажратилганини ва муайян босқич тугагандан кейин даромад кейинги босқичдаги барча манфаатдорлар ўртасида тақсимланиши лозимлигини билдирган. Суд вақфия шартларини текшириб, нозир қўллаган тақсимотни тўғри деб топган ва даъвони рад этган.[2]

Иордания Олий шаръий судининг **258-2021/12-сонли тамойили** воқиф шартининг чегараларини янада аниқ кўрсатади. Ишда воқиф аввал муайян ерни Қуръонни муҳофаза қилиш жамиятига вақф қилган, кейин эса ушбу мулкни бошқа мақсадга йўналтиришга уринган. Суд ҳанафий фиқҳга таяниб, биринчи вақф билан мулк воқиф мулкидан чиққанини белгилаган. Шу билан бирга, воқифга берилган шартларни ўзгартириш ҳуқуқи бошқаларга зарар етказадиган тарзда қўлланиши мумкин эмаслигини қайд этган. Суд бу нуқтада **“المفاسد أولى من جلب المنافع درء”**, яъни зарарни бартараф қилиш

[1] Қатар Давлати, 2021 йилги 9-сонли “Вақф тўғрисида”ги қонун, 12 ва 14-моддалар.

[2] Саудия Арабистони Адлия вазирлиги, суд қарорлари тўплами, 341186677-сонли иш; Макка вилояти Апелляция суди, 3522341-сонли қарор.

манфаатни жалб қилишдан устун деган тамойил мавжуд.[3]

Селангорда **Kamarolzaman bin Hajar v Majlis Agama Islam Selangor [2016] 4 ShLR 44** иши воқиф иродаси билан вақфни бошқарувчи диний органнинг ҳуқуқий таснифи ўртасидаги зиддиятни кўрсатади. Воқиф ерни етимлар, кексалар, мадраса ва бошқа муайян мақсадларга бағишланган **вақф хос** сифатида ташкил этишни истаган, аммо масала унинг тегишли тартибда расмийлаштирилиши билан боғлиқ низога айланган. Шариат апелляция суди MAIS воқиф белгилаган шартларга риоя қилиши лозимлигини, бироқ вақф хос мақомини расмийлаштириш Султоннинг MAIS маслаҳати асосидаги тасдиғи каби қонунда белгиланган тартиблар орқали амалга оширилишини белгилаган.[4]

Туркияда эса воқиф шарти тарихий вақфия орқали ҳуқуқий аҳамиятини сақласа-да, унинг татбиқи замонавий Конституция талабларига ҳам жавоб бериши лозим. **Ayşe Tezel ва бошқалар** ишида 1722 йилги вақфияда эркак авлодларга устуворлик берилган ва эркак авлод мавжуд бўлганда аёл авлодлар вақфнинг ортиқча даромадидан фойдалана олмаган. Конституциявий суд тарихий вақфиянинг ҳуқуқий аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда, ушбу шартнинг қўлланиши аёл авлодларни жинси асосида камситишга олиб келганини ва мулк ҳуқуқи билан боғлиқ камситишни тақиқлаш принципини бузганини белгилаган.[5]

Шундай қилиб, воқиф шарти барча ўрганилган тизимларда муҳим ҳуқуқий манба бўлиб қолади, аммо унинг чегаралари бир хил эмас. Қатар, Саудия ва Иорданияда у шаръий-ҳуқуқий қоида сифатида кучли мавқега эга. Селангорда воқиф иродаси махсус диний-маъмурий тартиблар билан мувофиқлаштирилади. Туркияда эса тарихий вақфия шарти замонавий конституциявий ҳуқуқлар билан биргаликда талқин қилинади.

Вақфни бекор қилиш ва мулкни қайтариб олиш. Вақф

[3] Иордания Олий шаръий суди, 258-2021/12-сонли суд тамойили, 03.03.2021.
[4] *Kamarolzaman bin Hajar v Majlis Agama Islam Selangor* [2016] 4 ShLR 44.
[5] Türkiye Cumhuriyeti Anayasa Mahkemesi, *Ayşe Tezel ve Diğerleri* [GK], B. No: 2018/14186, 20.10.2022.

низоларининг яна бир асосий тури воқиф ёки унинг меросхўрлари ташкил этилган вақфни кейинчалик бекор қилиш ёхуд вақф қилинган мулкни қайтаришни талаб қилганда юзага келади.

Қатар Кассация судининг **163/2013-сонли қарори** бу масалада муҳим ҳуқуқий тамойилни белгилаган. Воқиф хайрия мақсадига вақф қилган кўчмас мулкни кейинчалик ўз номига қайтаришга уринган. Кассация суди ҳанбалий фиқҳ ва Вақф тўғрисидаги қонун қоидаларига таяниб, вақф қилинган мулк воқифнинг тасарруфидан чиқиши, ундан қайтиш мумкин эмаслиги ва воқиф вафот этганидан кейин ҳам бу мулк унинг меросхўрларига ўтмаслигини белгилаган. Шу асосда мулкни воқифга қайтариш ҳақидаги қуйи суд хулосаси бекор қилинган.[6]

Мазкур қарорнинг алоҳида аҳамияти шундаки, Қатар Кассация суди замонавий қонун нормасини ҳанбалий вақф фиқҳи билан биргаликда талқин қилган.

Иорданиянинг юқорида қайд этилган **258-2021/12-сонли иши**да ҳам шунга яқин тамойил қўлланган. Олий шаръий суд биринчи вақф тўлиқ вужудга келганидан кейин мулк воқиф ихтиёридан чиққанини ва у худди шу мулкни бошқа шахс ёки муассаса фойдасига қайта вақф қила олмаслигини белгилаган.[7]

Индонезияда эса вақфни бекор қилиш низолари кўп ҳолларда мерос ва оилавий мулк масалалари билан аралашиб кетади. Селонг диний судининг **390/Pdt.G/2019/PA.Sel** ишида воқифнинг меросхўрлари масжид учун вақф қилинган ерни қайтаришни талаб қилган. Улар ер эр-хотиннинг умумий мулки бўлгани, вақф жараёнида нуқсонлар мавжудлиги ва воқиф уни кейинчалик қайтариб олганини даъво қилган. Суд далиллар асосида мулк воқифга тегишли бўлгани ва вақф белгиланган тартибда ташкил этилганини аниқлаб, уни бекор қилиш талабини рад этган.[8]

Мунгкид диний судининг **142/Pdt.G/2019/PA.Mkd** ишида ҳам

[6] Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 163/2013-сонли иш, 26.11.2013.
[7] Иордания Олий шаръий суди, 258-2021/12-сонли суд тамойили, 03.03.2021.
[8] Pengadilan Agama Selong, Case No. 390/Pdt.G/2019/PA.Sel.

даъвогар вақф қилинган ер эр-хотиннинг умумий мулки бўлганини ва унинг розилиги олинмаганини важ қилиб, вақфни бекор қилишни талаб қилган. Суд далилларни текшириб, талабни асосланмаган деб топган ва 2004 йилги 41-сонли Вақф тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасидаги **“Wakaf yang telah diikrarkan tidak dapat dibatalkan”**, яъни “эълон қилинган вақф бекор қилинмайди” қоидасига таянган.[9]

Қатар, Иордания ва Индонезия амалиётидан умумий бир қоида келиб чиқади: **вақф қонуний равишда вужудга келгандан кейин воқиф ёки унинг меросхўрлари уни оддий хусусий мулк сифатида қайтариб ола олмайди**. Бироқ бу тамойилни қўллашдан аввал суд мулк ҳақиқатан воқифга тегишли бўлгани ва вақфнинг қонуний талабларга мувофиқ ташкил этилганини текширади.

Нозирнинг масъулияти ва уни лавозимдан четлатиш. Вақф мулкининг сақланиши ва унинг даромадидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш кўп жиҳатдан нозирнинг фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун нозирга нисбатан ишонч йўқолиши, унинг вақф манфаатига зарар етказиши ёки воқиф шартларидан четга чиқиши мустақил низо турини ташкил қилади.

Саудия Арабистонида бу масала шаръий суд амалиётида бевосита кўринади. **34188007-сонли ишда** вақфдан манфаатдор шахс нозирни ёши катталиги ва вақф мулкини паст ижара ҳақи билан ижарага бергани сабаб вазифасидан четлатишни талаб қилган. Нозир ижара ҳақи мутахассислар томонидан баҳоланганини ва даъвогарнинг ўзи аввал ушбу тартиб асосида вақф даромадидан улуш олганини кўрсатган. Суд тақдим этилган далиллар нозирни вазифасидан четлатиш учун етарли эмас, деб топган; апелляция суди ҳам мазкур хулосани тасдиқлаган.[10]

Бу ишдан нозирни четлатиш учун оддий норозиликнинг ўзи етарли эмаслиги, унинг вақф манфаатига зарар етказгани ёки вазифаларини бузгани етарли далиллар билан исботланиши лозимлиги кўринади.

[9] Pengadilan Agama Mungkid, Case No. 142/Pdt.G/2019/PA.Mkd.

[10] Саудия Арабистони, Тоиф умумий суди, 34188007-сонли иш; Макка вилояти Апелляция суди, 35241469-сонли қарор.

Саудия суд амалиётида нозир вақф мулкини сақлаш, унинг даромадини воқиф шартига мувофиқ манфаатдорларга етказиш ва вақф манфаатига зарар етказувчи тасарруфларга йўл қўймаслик учун масъул шахс сифатида қаралади.

Қатарда нозирнинг ҳуқуқий мақоми қонуннинг ўзида аниқ белгилаб қўйилган. 2021 йилги Вақф тўғрисидаги қонуннинг 32-моддаси нозирни **“مؤتمن”**, яъни ишонч билдирилган шахс, унинг қўлини эса **“يد أمانة” – омонат қўли** деб белгилайди. Агар нозир вақф мол-мулкига нисбатан тажовуз ёки бепарволик қилса, у жавобгар бўлади.[11]

Қатар Кассация судининг **6/2013-сонли қарори** нозир мақомининг давлат органига нисбатан ҳам татбиқ этилишини кўрсатади. Суд вақф мулки Вақфлар бошқармаси номига рўйхатдан ўтказилгани уни давлат мулкига айлантирмаслигини белгилаган. Вақф органи бу ерда мулкдор эмас, балки **нозир сифатида** ҳаракат қилади.[12]

Иорданияда ҳам нозирлик ва мутаваллилик масалалари мустақил процессуал хусусиятга эга. Олий шаръий суднинг **188-2019/6/2-сонли тамойилида** нозир ёки мутаваллини вазифасидан четлатиш масаласи вақфнинг ўзи, унинг ташкил этилиши ёки истибдоли ҳақидаги низодан процессуал жиҳатдан фарқ қилиниши қайд этилган.[13] Мамлакатда нозирга оид низоларда асосий масалалар **унинг вақф манфаатини лозим даражада муҳофаза қилиши, воқиф шартларига риоя қилиши ва ўз ваколатларидан вақф зарарига фойдаланмаслиги каби муаммоли вазиятлар атрофида бўлади.**

Зуррий вақф ва вақф даромадини тақсимлаш. Зуррий ёки оилавий вақф низоларида асосий масала кўпинча вақф қилинган мулкнинг даромадидан ким ва қандай тартибда фойдаланиши билан боғлиқ бўлади.

Саудия Арабистони суд амалиётида зуррий вақф даромадини тақсимлашда воқифнинг вақфияда белгилаган шартлари асосий ўрин тутади.

[11] Қатар Давлати, 2021 йилги 9-сонли “Вақф тўғрисида”ги қонун, 32-модда.
[12] Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 6/2013-сонли иш.
[13] Иордания Олий шаръий суди, 188-2019/6/2-сонли суд тамойили, 29.12.2019.

Юқоридаги **341186677-сонли иш** бунинг мисолидир. Суд авлодларнинг мерос ҳуқуқини эмас, воқиф белгилаган вақф даромади тақсимотини текширган ва даъвогарнинг талабини шу асосда рад этган.[14] Бу ёндашув мерос билан вақф даромадига ҳақдорлик ўртасидаги муҳим фарқни кўрсатади, яъни шахс воқифнинг авлоди бўлгани учун автоматик тарзда мерос қоидалари бўйича вақфдан муайян улушга эга бўлмайди; унинг ҳуқуқи вақфия мазмунига боғлиқ.

Туркиянинг **Ayşe Tezel ва бошқалар** ишида эса тарихий зуррий вақф даромади билан замонавий конституциявий тенглик принципи тўқнашган. 1722 йилги вақфия эркак авлодларга устуворлик берган. Конституциявий суд тарихий вақфиянинг ҳуқуқий давомийлигини тан олган ҳолда, аёл авлодларни фақат жинси сабаб вақфнинг ортиқча даромадидан четлатиш мулк ҳуқуқи билан боғлиқ камситишни тақиқлаш принципини бузишини белгилаган.[15]

Бу қарор **воқифнинг тарихий шарти қай даражада абадий сақланиши ва қай нуқтадан бошлаб замонавий конституциявий ҳуқуқлар унинг татбиқини чеклаши мумкинлиги борасида** ҳуқуқий масалани юзага чиқарган.

Қатар қонунчилиги эса мазкур муаммони маълум даражада қонуннинг ўзида ҳал қилган. 2021 йилги Вақф тўғрисидаги қонун **“وقف أهلي” – оилавий ёки зуррий вақф**ни мустақил вақф тури сифатида тан олади. Бироқ у оилавий вақфнинг чекланмаган муддат давомида фақат хусусий оила манфаатига хизмат қилиб қолишига йўл қўймайди. Қонуннинг 21-моддасига кўра, воқиф оилавий вақфнинг нечта авлоддан кейин ёки қанча муддатдан кейин хайрия мақсадига ўтишини белгилаши керак. Агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, вақф воқиф вафотидан **150 йил ўтгач “عموم الخير” – умумий хайрия**га ўтади.[16] 26-модда эса вақф даромадини тақсимлашда

[14] Саудия Арабистони Адлия вазирлиги, суд қарорлари тўплами, 341186677-сонли иш; Макка вилояти Апелляция суди, 3522341-сонли қарор.

[15] Türkiye Cumhuriyeti Anayasa Mahkemesi, *Ayşe Tezel ve Diğerleri* [GK], B. No: 2018/14186, 20.10.2022.

[16] Қатар Давлати, 2021 йилги 9-сонли “Вақф тўғрисида”ги қонун, 21-модда.

эркак ва аёлга тенг улуш берилишини белгилайди, агар воқиф бошқа тартибни шарт қилиб қўймаган бўлса.[17]

Шу тариқа зуррий вақф масаласида уч хил ҳуқуқий ёндашув кўринади. Саудияда асосий мезон – воқиф шарти. Туркияда тарихий шарт замонавий асосий ҳуқуқлар билан чекланиши мумкин. Қатарда эса оилавий вақфнинг давомийлиги ва даромад тақсимоти замонавий қонуннинг ўзида батафсил тартибга солинган.

Вақф мулки билан давлат ва хусусий мулк ўртасидаги чегара. Вақфнинг мустақил ҳуқуқий табиати энг аниқ унинг давлат ва хусусий мулкдан ажратилишида кўринади.

Қатар Кассация судининг **6/2013-сонли қарори** бу масалада муҳим тамойил белгилаган. Суд вақф кўчмас мулкининг Вақфлар бошқармаси номига рўйхатдан ўтказилиши уни давлат мулкига айлантирмаслигини кўрсатган. Давлат вақф органи мазкур мулкка вақф нозири сифатида муносабатда бўлади.[18] Бу қарор давлат томонидан вақфларни бошқариш кучли бўлган тизимларда принципиал аҳамиятга эга: **давлат назорати ва бошқаруви вақф мол-мулки устидан давлат мулк ҳуқуқини вужудга келтирмайди**.

Индонезияда эса чегара кўпроқ хусусий мулк билан вақф ўртасида юзага келади. Селонг ва Мунгкид ишларида судлар, аввало, вақф қилинган ер ҳақиқатан воқифга тегишли бўлганми ёки эр-хотиннинг умумий мулки таркибига кирганми, деган саволни текширган.[19]

Бу муҳим тартибни кўрсатади: вақфнинг қайтарилмаслиги тамойили мулкнинг ўзини вақф қилиш ҳуқуқи мавжудлиги аниқлангандан кейингина тўлиқ амал қилади.

Селангорда эса вақф мулки билан давлат ер бошқаруви ва бошқа мулкий ҳуқуқлар ўртасидаги муносабат судловга тааллуқлилик муаммосини

[17] Ўша қонун, 26-модда.
[18] Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 6/2013-сонли иш.
[19] Pengadilan Agama Selong, Case No. 390/Pdt.G/2019/PA.Sel.; Pengadilan Agama Mungkid, Case No. 142/Pdt.G/2019/PA.Mkd.

ҳам келтириб чиқаради.

Majlis Agama Islam Selangor v Hicom Gamuda Development Sdn Bhd & Anor [2011] 1 ShLR 10 ишида мусулмон қабристони сифатида ажратилган ернинг вақф мақоми ва MAISнинг ушбу мулк юзасидан даъво қўзғатиш ҳуқуқи муҳокама қилинган. Шариат апелляция суди MAIS Селангордаги вақфларнинг ягона васийси сифатида мулкнинг вақф эканини аниқлаш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканини белгилаган.[20]

Majlis Agama Islam Selangor v Bong Boon Chuen & Ors иши эса бир мулк масаласининг бир вақтнинг ўзида давлат маъмурий қарори, фуқаролик судлови ва унинг вақф сифатидаги шаръий мақоми билан боғланиши мумкинлигини кўрсатади. Ишнинг Апелляция судидаги босқичи **[2008] 6 MLJ 488**, Федерал суддаги босқичи эса **[2009] 6 MLJ 307** сифатида нашр қилинган.[21]

Мазкур ишлар вақф мулкини ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун фақат уни сотиш ёки бегоналаштиришни чеклаш етарли эмаслигини кўрсатади. Қонун вақф мулкининг кимга тегишли экани, уни ким ифодалаши, давлат органининг унга нисбатан ваколати ва бошқа мулкий ҳуқуқлар билан тўқнашув қандай ҳал қилинишига ҳам аниқ жавоб бериши лозим.

Судловга тааллуқлилик: вақф низосини ким ҳал қилади? Юқоридаги низоларни қиёслашда энг муҳим масалалардан бири вақф низосини қайси суд ёки ҳуқуқий орган ҳал қилишидир. Саудия Арабистонида вақфга оид бир қатор ишлар шаръий суд тизимининг бевосита ваколатига киритилган. Шахсий ҳолат судлари вақфни тасдиқлаш, нозир тайинлаш, уни вазифасидан четлатиш ва вақф билан боғлиқ айрим бошқа масалаларни кўради.[22] Шу сабабли Саудия суд амалиётида воқиф шарти, нозирнинг омонатдорлиги ва вақф манфаати каби фиқҳий категориялар суд қарорида бевосита ҳуқуқий аҳамият касб этади.

[20] *Majlis Agama Islam Selangor v Hicom Gamuda Development Sdn Bhd & Anor* [2011] 1 ShLR 10.

[21] *Majlis Agama Islam Selangor v Bong Boon Chuen & Ors* [2008] 6 MLJ 488 (Court of Appeal); [2009] 6 MLJ 307 (Federal Court).

[22] Saudi Arabia, Law of Procedure before Sharia Courts, Art. 33.

Иорданияда вақф ишларининг судловга тааллуқлилиги янада юқори даражада – Конституцияда белгиланган. Конституциянинг 105-моддаси исломий вақфларга оид ишларни Шариат судларининг ваколатига киритади. 106-модда Шариат судларининг ўз қарорларида шаръий аҳкомларни қўллашини белгилайди.[23] Шу сабабли Иордания Олий шаръий суди вақф низоларида ҳанафий фиқҳ манбаларини бевосита ҳуқуқий асос сифатида ишлатиши мумкин.

Индонезияда эса судгача бўлган босқичларга ҳам катта аҳамият берилган. 2004 йилги 41-сонли Вақф қонунининг 62-моддасига кўра, вақф низоси биринчи навбатда ўзаро муҳокама ва келишув орқали ҳал қилиниши лозим. Натижа бўлмаса, медиация, арбитраж ёки суд орқали ҳал қилиш мумкин.[24] Мусулмонлар ўртасидаги вақф низолари Диний судлар ваколатига киритилган. Селонг ва Мунгкид ишлари мазкур тизимнинг амалда қўлланилишини кўрсатади.

Селангорда эса Шариат суди, **Majlis Agama Islam Selangor**, вақфни бошқарувчи тегишли муассасалар ва айрим шаръий масалаларда Фатво қўмитаси ўртасида ваколатлар тақсимланган. 2003 йилги Ислом динини бошқариш тўғрисидаги Селангор энакменти Шариат олий судига тарафлари мусулмонлар бўлган вақф ва назр билан боғлиқ айрим фуқаролик ишларни кўриш ваколатини беради. 2015 йилги Вақф энакментида эса вақфнинг шаръий рукнлари ёки бошқа шаръий масалалар бўйича Фатво қўмитасининг ўрни белгиланган.[25]

Қатарда алоҳида вақф суди мавжуд эмас. Вақф низолари умумий суд тизимида кўрилади, аммо махсус Вақф тўғрисидаги қонун уларга алоҳида ҳуқуқий мазмун беради. 2021 йилги қонуннинг 36-моддасига кўра, Вақфлар ва ислом ишлари вазирлиги тараф сифатида иштирок этмаган вақф даъвоси қабул қилинмайди. Суд низони кўриш даврида вақтинчалик нозир

[23] Jordanian Constitution, Arts. 104–107.

[24] Indonesia, Law No. 41 of 2004 on Waqf, Art. 62; Law No. 3 of 2006 amending the Religious Courts Law, Art. 49.

[25] Administration of the Religion of Islam (State of Selangor) Enactment 2003, s. 61; Waqf (State of Selangor) Enactment 2015, ss. 40, 47.

тайинлаши ҳам мумкин.[26]

Кассация судининг 163/2013-сонли қарори эса умумий суд тизимида ҳам фиқҳий қоидалар махсус вақф қонуни билан биргаликда талқин қилиниши мумкинлигини кўрсатади.[27]

Туркияда судлов тизими янада фарқли. Тарихий вақфга оид хусусий-ҳуқуқий низолар фуқаролик судларида кўрилиши, кейин Ярғитай назоратидан ўтиши мумкин. Агар низо асосий ҳуқуқлар масаласига айланса, индивидуал мурожаат орқали Конституциявий судгача бориши мумкин. **Ayşe Tezel** иши ана шу йўлнинг яққол мисолидир.[28] Шу билан бирга, Вақфлар бош бошқармаси ва бошқа давлат органларининг маъмурий қарорларига оид низолар маъмурий судловга ҳам кириши мумкин. Демак, Туркияда судловга тааллуқлилик низонинг ҳуқуқий хусусиятига қараб фуқаролик, маъмурий ва конституциявий судлов ўртасида тақсимланади.

Танланган олти давлат суд амалиёти вақф низоларини ҳал қилишда бир нечта умумий ҳуқуқий муаммолар мавжудлигини, аммо уларга берилган ечимлар сезиларли даражада фарқ қилишини кўрсатади.

Биринчи умумий масала – **воқиф шартининг ҳуқуқий кучи**. Қатар, Саудия ва Иорданияда воқиф шарти шаръий-ҳуқуқий асос сифатида кучли мавқега эга. Селангорда бу шарт давлат диний бошқарувининг расмий тартиблари билан мувофиқлаштирилади. Туркияда тарихий вақфия шарти ҳуқуқий аҳамиятини сақласа-да, замонавий конституциявий ҳуқуқларга зид натижа келтириб чиқарса, унинг татбиқи чекланиши мумкин.

Иккинчи умумий масала – **вақфнинг қайтарилмаслиги**. Қатар, Иордания ва Индонезия суд амалиёти қонуний тарзда ташкил этилган вақфни воқиф ёки унинг меросхўрлари оддий хусусий мулк сифатида қайтариб ола олмаслигини кўрсатади. Бироқ суд бу қоидани татбиқ этишдан аввал мулкнинг воқифга тегишлилиги ва вақфнинг қонуний вужудга келганини

[26] Қатар Давлати, 2021 йилги 9-сонли “Вақф тўғрисида”ги қонун, 36-модда.
[27] Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 163/2013-сонли иш, 26.11.2013.
[28] Türkiye Cumhuriyeti Anayasa Mahkemesi, *Ayşe Tezel ve Diğerleri* [GK], B. No: 2018/14186, 20.10.2022.

текширади.

Учинчи масала – **нозирнинг ҳуқуқий мақоми ва жавобгарлиги**. Турли тизимларда атамалар ва назорат механизмлари фарқ қилса-да, нозир вақф мулкининг хусусий эгаси эмас, балки унинг манфаатини таъминлаш учун масъул бошқарувчи сифатида қабул қилинади. Нозирни вазифасидан четлатиш учун эса унинг вазифаларини бузгани ёки вақф манфаатига зарар етказгани исботланиши талаб қилинади.

Тўртинчи масала – **зуррий вақф даромадининг тақсимланиши**. Саудияда воқиф шарти асосий мезон бўлиб қолса, Туркияда тарихий шарт замонавий конституциявий тенглик мезонлари билан назорат қилинади. Қатарда эса оилавий вақфнинг давомийлиги ва унинг охир-оқибат хайрия мақсадига ўтиши қонуннинг ўзида белгиланган.

Бешинчи масала – **вақф мулкининг давлат ва хусусий мулкдан ажратилиши**. Қатар суд амалиёти давлат вақф органининг нозирлиги давлат мулк ҳуқуқини вужудга келтирмаслигини аниқ кўрсатади. Индонезия амалиёти эса вақфнинг ҳақиқийлиги масаласи мулкнинг воқифга тегишлилигидан ажралмаслигини кўрсатади. Селангор тажрибасида эса вақф мақоми ер ҳуқуқи, давлат маъмурияти ва Шариат суди ваколати билан кесишиши мумкин.

Ниҳоят, суд амалиётининг энг муҳим қиёсий натижаси **судловга тааллуқлиликнинг турлича қурилганида** намоён бўлади. Саудия ва Иорданияда вақф низолари шариат судловининг бевосита соҳаси ҳисобланади. Индонезия ва Селангорда диний суд тизими махсус қонунчилик ва диний-маъмурий институтлар билан биргаликда ишлайди. Қатарда умумий суд тизими махсус вақф қонуни ва фиқҳий қоидалар билан боғланган. Туркияда эса тарихий вақф муносабатлари фуқаролик, маъмурий ва конституциявий судлов доирасида кўрилади.

Шу жиҳатдан вақф низоларини самарали ҳал қилишнинг асосий шарти фақат махсус Вақф қонунининг мавжудлиги эмас. **Воқиф шартларининг ҳуқуқий чегараси, вақфнинг қайтарилмаслиги, нозирнинг**

жавобгарлиги, оилавий вақф манфаатдорларининг ҳуқуқлари, вақф мулкининг алоҳида ҳуқуқий мақоми ва низони қайси суд ҳал қилиши аниқ белгилангандагина вақф институтининг ҳуқуқий барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

1. *Administration of the Religion of Islam (State of Selangor) Enactment 2003*, s. 61.
2. Indonesia, *Law No. 3 of 2006 amending the Religious Courts Law*, Art. 49.
3. Indonesia, *Law No. 41 of 2004 on Waqf*, Art. 62.
4. Jordanian Constitution, Arts. 104–107.
5. Иордания Олий шаръий суди, 188-2019/6/2-сонли суд тамойили, 29.12.2019.
6. Иордания Олий шаръий суди, 258-2021/12-сонли суд тамойили, 03.03.2021.
7. *Kamarolzaman bin Hajar v Majlis Agama Islam Selangor* [2016] 4 ShLR 44.
8. *Majlis Agama Islam Selangor v Bong Boon Chuen & Ors* [2008] 6 MLJ 488 (Court of Appeal); [2009] 6 MLJ 307 (Federal Court).
9. *Majlis Agama Islam Selangor v Hicom Gamuda Development Sdn Bhd & Anor* [2011] 1 ShLR 10.
10. Pengadilan Agama Mungkid, Case No. 142/Pdt.G/2019/PA.Mkd.
11. Pengadilan Agama Selong, Case No. 390/Pdt.G/2019/PA.Sel.
12. Қатар Давлати, 2021 йилги 9-сонли «Вақф тўғрисида»ги қонун, 12, 14, 21, 26, 32 ва 36-моддалар.
13. Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 6/2013-сонли иш.
14. Қатар Кассация суди, Фуқаролик ва тижорат доираси, 163/2013-сонли иш, 26.11.2013.

15. Saudi Arabia, *Law of Procedure before Sharia Courts*, Art. 33.

16. Саудия Арабистони Адлия вазирлиги, суд қарорлари тўплами, 341186677-сонли иш; Макка вилояти Апелляция суди, 3522341-сонли қарор.

17. Саудия Арабистони, Тоиф умумий суди, 34188007-сонли иш; Макка вилояти Апелляция суди, 35241469-сонли қарор.

18. Türkiye Cumhuriyeti Anayasa Mahkemesi, *Ayşe Tezel ve Diğerleri* [GK], B. No: 2018/14186, 20.10.2022.

19. *Waqf (State of Selangor) Enactment 2015*, ss. 40, 47.